

Гуласал Ҳусанова

ДИЛ СОФИНЧЛАРИ

Шеърлар




«ANDIJON NASHRIYOT-MATVAA»
очиқ акциядорлик жамияти
2005

84(55)6-3

Ушбу китоб Бешарик тумани ҳокимлиги,
Бешарик пахта тозалаш ҳиссадорлик
жамияти ҳомийлигига чоп этилди.

10 31139
09,



Гуласал Ҳусанова.
“ДИЛ СОҒИНЧЛАРИ”, Шеърлар.
Сўзбоши муаллифи - Э. Сиддиқова. - Андижон,
«Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ, 2005. 40 бет.

Андижон вилоятининг
3. М. Бобур номли кутубхонаси
84 (5 Уз)
Г 24.

© Г. Ҳусанова. 2005.
© «Andijon nashriyot-matbaa»
ОАЖ, 2005

СҮЗБОШИ

Бу бўстонда гул кўп, чаман кўп. Гуласалнинг шеърларини ҳам шеърият бўстонининг муамтар чечакларига қиёс этиш мумкин.

Гуласалнинг овунадигани, согинадигани ҳам, кўнглиниг қувончи, юрагининг малҳами, ёргу давлати ҳам сўз.

Унинг шалола каби юрагидан тошиб чиқаётган меҳр-муҳаббат, яхшилик булоқлари ташналигингиҳи қондиради, бедор яшашга ундаиди.

Ўн ийларки бедаво дард тўшакка михлаган шоирага руҳий куч-кудрат, ҳаётбахш туйгуларни баҳш эттаётган мунис онажони-ю, шеъриятнинг анбар ча-манидир. Гуласалнинг шеърларидаги яшашга интиқлик, меҳрга муштоқлик юрагингиҳи поклайди ва нажиб туйгуларга ошно этади.

Э. СИДДИКОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Фарғона вилояти бўлими раиси.

ОРЗУ ...

Орзу - гўзал, бир кўм-кўк дарахт,
Кундан-кунга ўса бошлайди.
Унга меҳринг, қўйсанг муҳаббат,
Дур мевалар бера бошлайди...

Орзу - ширин, муҳаббатли баҳт,
Ундаридир садоқат, меҳр ва вафо.
Шунда ушалгувчи орзулар, албат,
Икки юрак бирдай ҳеч кўрмас жафо!

Орзу - фарзанд, дил унга пайванд,
Камолини кўрмоқ ҳам хушдир.
Камоли тарбия этмасанг пайванд,
Гўзал орзуларинг мисоли тушдир.

ЭЙ, ДИЛ...

Эй, дил, ўртансанг қуйиб азобда,
Бардошни сўрагил қоя, тоғлардан.
Сенга севган ёринг хиёнат этса,
Ўртаниб кетасан фарёд, оҳлардан.

Эй, дил, ўзгалардан кўрсангда жабр,
Кўксингга бос, олгил азобларингни.
Оллоҳимдан сўра ўзингга сабр,
Яшириб яшагил кўз ёшларингни!...

Эй, дил, бу дунёси хаёлот ўзи,
Орзусига етиб ким юрибди шод?
Муқаддас бўлса-да муҳаббат сўзи,
Бу ёлғон дунёнинг эртаклиги рост!...

ВАТАН

Күзим очиб күрдим сени,
Күёшдайин тафтли Ватан!
Қай нур мафтун этди мени?
Шул Ватаним! Нур Ватаним!

Оқ йүргакка ўраб суйган,
Күзим очиб күрган бешик.
Ватан - уйим остонаси,
Илк бор қадам қўйган эшик.

Киндик қоним томган тупроқ,
Бобомлардан қолган тупроқ,
Арзир унга жоним берсам,
Момом дардин олган тупроқ!

Удир менга содиқ ҳамроҳ,
Хоҳи кундуз, хоҳ тунимда!
Садоқатим, дилда маҳкам,
Ватан меҳри жо танимда!...

Юракдаги қондир, Ватан,
Жисмимдаги жондир, Ватан,
Жаннатлардан зиёд юртим,
Саждагоҳим шул гул Ватан!...

ДИЛ СОФИНЧИ

Дала, күм-күк боғларда унса нафис майсалар,
Лолазорлар бағрида юрган баҳтли лаҳзалар,
Ариқ-сойлар бўйидан излаб хушбўй ялпизлар,
Энтикаман соғиниб, барчасига мен муштоқ...

Боғларда тизим-тизим олчалар қизаргандир,
Қирмизи олмаларнинг ёноғида шарҳи ишқ,
Ишкомда чарос узум, мени ул ҳам кутгандир,
Бора олсайдим қани, улар томон мен мушфиқ?

Пахтазорлар бағрида дўстларим пахта терар,
Боролсайдим қошига, ҳорманғ дея, мен чопиб.
Қадрдон оппоқ далам кўзларим қачон кўрар?
Чанқоқ юрак энтикар, далаларга ютоқиб...

Бешарик гузарида очилгандир атиргул,
Шаҳримга таратгандир, настарин бўйларини,
Бошлиб кетар хаёллар ширин, гўзал дамларга...
Умрим гулбаҳорининг покиза ўйларига.

Дўстлар-ла кўл ушлашиб, гулзор аро юрганим,
Шодон-шодон қувнашиб, даста гуллар терганим.
Қанийди, ўшал кунлар яна қайтиб келсайди!
Борлигим, кўнгил, юрак у кунларни қўмсайди.

Юрагим типирлайди, дала-қирга ошиқиб,
Иложсизман, чорам йўқ, борарга йўлим олис!...
Гуллар тераман гоҳо, қучоқларим тўлдириб,
Учиб юраман гоҳи, хаёл-руҳимда холос...

ЖОН ҚИЗҒАЛДОГИМ!

Гулім! Менинг қалбим ардоғи,
Айланайин, күзи қароғим,
Бошгинаңғы силай, чироғим,
Кел түкілма, жон қизғалдоғим!

Мунча қисқа азизам, умринг,
Күриб тақрор чорлайди дилим,
Менинг қалбим ошуфта күмри,
Кел түкілма, жон қизғалдоғим!

Баҳоримнинг бебаҳо гули,
Дилгинаңнинг ғарифе нури,
Қуёшимнинг очилған дили,
Хеч түкілма, жон қизғалдоғим!

Қалбинг мендай куйғанмиди зор,
Сен ҳам күтдинг кимни интизор,
Ё бевафо бердими озор?....
Күй ииғлама, жон қизғалдоғим!

Бу оламдир ўзи бевафо,
Сен шамолдан күтмагил вафо!...
Мендай сенда чекдингми жафо?
Кел ииғлама, жон қизғалдоғим!

Сабо бўлиб силай бошингни,
Шабнам бўлиб ювай сочингни,
Кўзда асрой киприк, қошингни,
Кел кучайин, жон қизғалдоғим!

ОРЗУИМ ОСМОНИ

Олис осмон, юлдуз кирар тушимга,
Гоҳо кетиб, гоҳи келиб ҳушимга.
Юксак-юксакларга учиб кетаман,
Сигиниб яшайман хаёл-қушимга...

Орзум осмонаста юлдузлар чаман,
Юлдузлар бағрига лола экаман.
Чиройли очилса, лолалар кулиб,
Лолазор бағрига кириб кетаман.

Мұхаббат ниҳолин осмонга экай,
Меҳрим гулдастасин қүёшга әлтай,
Дилим дурларини шода-шодалаб,
Самонинг малаги ул моҳга тутай!

Камалакдай турфа мен жилоланай,
Яшил сабо бўлиб, нурдай товланай,
Бир қуш каби учиб яшайнин майли,
Осмоннинг бағрида чақиндай ёнай...

Ерга экканим гулларим менинг,
Хали очилмасдан туриб сўлдилар.
Дилдаги тилагим, чин оразуларим,
Нетайки, эй, дўстлар, рўё бўлдилар.

Энди мен самони макон этаман,
Орзум гулларини қўкка экаман.
Осмонларда йўқдир бағри қоралар,
Барибир, охири учиб кетаман!...

СИРЛИ-СИРЛИ...

Анҳордаги сувлар жүшқин,
Анҳорларнинг суви тошқин,
Ялпиз бўйи этар сархуш,
Сирли-сирли шивирлашар.

Садарайхон солланишиб,
Атиргуллар жонланишиб,
Хофиз мисли шайланишиб,
Сирли-сирли шивирлашар.

Сармаст кезиб ҳур саболар,
Булбул айлар хуш наволар,
Қилиб нозли гул имолар,
Сирли-сирли шивирлашар.

Сулув қизлар, жаноналар,
Сой бўйида мастоналар,
Ўсма қўйиб, сурма тортиб,
Сирли-сирли шивирлашар.

ОГИР КЕЧМИШ...

Оғир кечмиш,
Ёмон кечмиш,
Гұмон бүлди унудиши...
Күнглім тарқоқ йүлларіда,
Хамон бордай үшал бօғ!
Сиз ҳаётсиз қалб түрида,
Үй-хаёлім уйида...
Сизга бўлсин, дейди, юрак -
Майнин-майнин елларни ,
Шаббодалар бағрингизни
Тўлдирсинглар оралаб.
Турфа гўзал гуллар очиб,
Таралсин хуш ифорлар...
Асло Сизга кўз тегмасин,
Умр бўлсин, чинорлар!
Сизни доим хушнуд этсин
Гулбаҳорлар нафаси.
Томчи-томчи зилол ёмғир
Сизга ором бўлгуси.
Гўзал-турфа капалаклар
Кўзларингиз яйратсин.
Шодон сайраб шўх булбуллар.
Ҳар тонг Сизни уйғотсин.
Менга келса, мен унұтман,
Йўқман чаманлар аро.
Эй, қалбдаги гулбаҳорим!
Ҳаётим дашти-саҳро,
Қовжираб бормоқда
дилим-наҳорим...

ШУ ВАТАН ИЧРА...

Бошим қўйсам ором оламан,
Исларига тўйиб қонаман,
Насиб этса бир боғ бўламан,
Шу Ватанда ёнгим келади,
Тупроқ бўлиб қолгим келади!

Шамолида аста тебраниб,
Қишида қори ичра бурканиб,
Ҳар баҳорда қайта уйғониб,
Шу Ватанда ёнгим келади,
Майса бўлиб қолгим келади!

Хиёбонда очилиб кўркам,
Қучоғингда сочилиб ўлкам,
Кенг оламни оқлийка ўраб,
Шу Ватан, деб ёнгим келади
Оқ гул бўлиб қолгим келади!

Минг йилларнинг умрини кўрган,
Кўкка мағрур бошини чўзган,
Бўронларга кўксини тутган,
Ватан ичра ёнгим келади,
Тоғи бўлиб қолгим келади!

Оташ ичра оташлар бўлиб,
Кунда минг бор ёниб, минг сўниб,
Ҳар одамнинг қалбига дўниб,
Шу Ватан, деб ёнгим келади,
Олов бўлиб қолгим келади!

Муҳаббатим ошкора сўйлаб,
Гўзал дунё шонини куйлаб,
Меҳрин юрак тубига жойлаб,
Ватан дея ёнгим келади,
Шоир бўлиб қолгим келади!...

ХАЁТ ЎЙЛАРИ

Хаёт! Нақадар шириңсан, шириң!
Сенда меҳр бор, мұхаббат, вафо.
Хаёт! Бунчалар аччиқсан, аччиқ!
Сенда қаҳр бор, жаҳолат, жафо...

Оlam! Нақадар гүзапсан, гүзап!
Сенда гуллар чаман, булбуллар сайрон.
Оlam! Бунчалар хунуксен, хунук,
Сенда қора тикон, қора құзғұнлар...

Дунё! Нақадар көңгсан, бепоён!
Сенда чүккі тоғлар, зангори дәнгиз.
Дунё! Бунчалар торсан қафасдай,
Сенда хиёнат бор, қабоҳат ҳануз.

Фалак! Қалбим этасан ҳайрон,
Гоҳо шодникларинг бошлаб қошимга,
Нозик күнглим хушнуд этасан,
Гоҳо ғамларинг қўйиб бошимга,
Парчалаб юракни тилиб ўтасан...

Эй, одамзот! Сен бунча турфа?
Шириң сўзлиларнинг қалбида қуёш!
Тили заҳарлардан қўзлар тўла ёш,
Мен-чи, ҳайрат ичра яшаб юрибман,
Гоҳи йиғлаб, гоҳи қулиб турибман!...

ҚИЗЛАРЖОН, СИЗ ИЛА...

Хур қиэлар ичинда ҳурга айланиб,
Сочига бойланиб, дурга бойланиб,
Бир дамга қиз бўлиб, қиздай сайланиб,
Япла-ю, кўшиқлар бошлагим келди.
Қизларжон, сиз ила куйлагим келди.

Гул гўзаллар аро бир гўзал бўлиб,
Ўсма сувин сиқиб, қошима қўйиб,
Сузук кўзим сузиб, сурмалар суртиб,
Ўзим сизга сардор санагим келди.
Қизларжон, сиз ила яйрагим келди.

Сойларнинг бўйидан ялпизлар териб,
Қирларнинг пойидан чучома узиб,
Бошга майсалардан гулчамбар тузиб,
Гўзаллар базмини бошлагим келди,
Қизларжон, сиз ила ўйнагим келди.

Хонатласда минг бир турфа товланиб,
Сочларимни қирқта кокил қилволиб,
Йигитлар кўзини офтобдай олиб,
Ёниб-ёниб, кўнгил хушлагим келди.
Қизларжон, ра什кингиз кўзғагим келди.

ШАЙТОНГА ҲАЙ...

Истамайман, келма қошимга,
Ишонтирма мени сўзингга.
Истамайман, қўнма бошимга,
Ишонмайман сенинг сўзингга.

Ўнг елкамда бордир фаришта,
Ҳар ишимни айлар саришта.
Менга ҳамроҳ бўлар ҳар ишда,
Шайтон, юрмам қаро йўлингга!

Тан олмайман, барибир сени,
Ёмон йўлга бошлама мени.
Мен билурман яхши-ёмонни,
Шайтон кетгил, келма ўйимга!

Сен малъунсан, йўлдан урасан,
Яхшилик бор жойдан қочасан,
Умримизга заҳар сочасан,
Сенинг йўлинг-қабоҳат йўли...

Сен инсонга душман азалдан,
Қайтармагил мени ғазалдан!
У ортиқдир менга асалдан,
Шайтон, қоч, кет, солма измингга.

Одам нурдан яралган асли,
Оламнинг энг олийзот насли!
Фаришталар бўлсин ҳамрохи,
Ёмон йўлга бошлама, шайтон!

МЕН БИР ГУЛДАЙ АТРИМ СОЧАЙ

Мен бир гулдай атрым сочай саболарга,
Күшик бўлиб тарапайин, наволарда.
Кабутардай учиб юрай, самоларда.
Табиатда неки бордир суйгум келур,
Қалба босиб, бир-бир яна қучгум келур...

Оппоқ қорман, мени ғарч-ғурч босиб ўтинг,
Сой бўйида мажнунтолман, қучиб ўтинг,
Сада райхон солланганда суйиб ўтинг,
Хиёбондан атиргулни ўпиб ўтинг,
Ерлар аро шивирлаган садо ўзим...

Токда болдай чарсиллаган чарос кўзим,
Боғда пишган қизил олма худди юзим,
Сахар булбул сайраб қолса, денгки сўзим,
Оҳ, шу гўзал, гул юртимнинг фидоси мен.
Гиёҳлари, сабзали шайдоси мен...

Мени субҳи саболардан сўраб кўринг,
Наво, кўшиқ, садоларда тинглаб кўринг,
Қалдирғочнинг қанотига қараб кўринг,
Ёмғир тушса, самолардан сўраб кўринг,
Гар ўлсамда, Ватан деган тупроқдаман.
Бодомларнинг гулидаман, япроқдаман.

СИЗНИ СОГИНИБ...

Ох, юрагим түкилиб кетар,
Чок-чокидан сүкилиб кетар,
Күнгил қургур чўмилиб кетар,
Айни баҳор Сизни соғиниб.

Ҳовли кезиб излайди сабо,
Қалдирғочлар айлайди садо,
Кўкка қараб айлар дил нидо,
Ёғар ёмғир Сизни соғиниб.

Атиргуллар майин тебранур,
Хушбуй раёнҳон ҳиди тарапур,
Ариқларда сув тўлқинланур,
Ҳар баҳорда Сизни соғиниб.

Қўлда титрар маъюс қаламим,
Қалб қофозга тўкар аламин,
Армон-шевъдан титрайди замин,
Кўзим муштоқ Сизни соғиниб.

Бағритошлиқ шунча бўлурму,
Одам ўлмай, қалби ўлурму?
Муҳаббатсиз кўнгил тўлурму?
Дил сўроқлар Сизни соғиниб.

Ох, яшашга етмайди сабрим,
Бўлди мунча тескари тақдир?
Фалак, ўтди жисмимдан жабринг!
Энди мени кутади қабрим,
Ёниб ўтдим Сизни соғиниб.

Ўлимдан ўзга қолмади чорам,
Демагайсиз, бир бор бечорам,
Кетаяпман олис тобора,
Жон берайин Сизни соғиниб...

ГИЁХЛАРНИНГ СУҲБАТИГА ҚУЛОҚ ТУТИБ...


Гиёҳларнинг сұхбатига қулоқ тутиб,
Юлдузларнинг нафасини дилда туйиб,
Сенга ошно бўлиб қолдим, эй, шеърият!
Мұхаббатнинг зўр дардида қўрдай куйиб.

Қалби тоза, чин сўзларда муҳаббат бор,
Кўнгли оппоқ-оқ юзларда садоқат бор.
Бу оламдан ўтмоқдаман, армон қатор,
Шафқат билмас юзсизларда хиёнат бор.

Кун ўткинчи, кин ўткинчи, дунё қолар,
Баҳт ўткинчи, таҳт ўткинчи, дунё қолар.
Сиз аёлга меҳр беринг қўлдан келса,
Боши осмон, зардан ортиқ кутиб олар!

Гар аёл йиғласа, чўқади тоғлар,
Кўз ёшидан титрагайдир ҳур боғлар,
Бу дунёда яшаш оғир, кўнгил яrim!
Фифон этсам, тўкилгайдур гуноҳларим.

Одамларга, ёруғликни сўраб ўтай,
Қора эмас, оппоқ кунга ўраб ўтай,
Одамзоднинг ҳеч бири кам бўлмасин!
Оллоҳимдан барчага баҳт тилауб ўтай...



ОНА НИДО ЭТСА

Бевақт фарзандидан айрилди, она!
Оҳларига унинг чидармисан, тун?
Нечун дарз кетмайсан, замин,
Само, нечун ёниб кетмайсан?!

Жамланса гар она фарёди,
Отиларди ёниб вулқонлар.
Ер йўлидан адашармиди,
Кўкни ағдараарми бўронлар.

Она қалби билмас тўсиқни,
На масофа бўлар намоён.
Она қалби айласа гирён,
Атом ўтказолмас ҳукмини!

ВАТАН НИМА...

Ватан нима? Ватан - бу юрак!
Доим кўксинг ичра яшайди.
Ватан нима? Ватан - бу тилак!
Орзу ундан ўса бошлайди...

Тупроғига томган киндик қон
Чорлаб тураг дилларни ҳар он!
Ватан учун тикмасанг жонни,
Билгил, ўғлон, сенда йўқ виждон!

Ватан - карвон десанг сен агар,
Бир юкини олсанг елкангга.
Халқ корига ярасанг магар,
Шунинг ўзи катта баҳт сенга!

ЭЙ, КҮНГИЛ...

Эй, күнгил, сен не учун қайсар?
Гоҳи етаклайсан, гирдобрлар сари.

ОНАМГА

Худди қоялардек бардошли онам,
Бошимда парвона дилдошим, онам,
Қарзим жуда кўпdir, Сиздан мунглигим,
Осмоним ёритган күёшим, онам.

Дунёга келтириб, дунё бердингиз,
Гўдаклик чоғимда шифо бердингиз,
Оlamнинг бор баҳти сенга дердингиз,
Баҳтимнинг баҳори - ўзингиз, онам!

Аллангиздан олдим меҳру оқибат,
Қалбингиздан олдим ақлу садоқат,
Дердингиз, Ватанга бергил, муҳаббат,
Муҳаббатим боғи - сизгадир, онам.

Боғлар ҳам бўлмайди сизсиз оламда,
Гуллар ҳам ўсмайди сизсиз хонамда,
Борки муҳаббатим сўзлай қаламда,
Ягонам, суюнчим, борлиғим - онам!

ОҚЛИК - ПОКЛИК

Бутун борлиқ қиши уйқусида,
Дөв-дараҳтлар хаёлга чүмгән.
Қор жилвакор қиши туйғусида,
Тунларни ҳам оқлика күмгән...

Қорнинг иси кезар ҳавода,
Нурга чүлғаб олам бағрини.
Құшиқ күйлар ҳазин навода,
Шеърга ўраб назм бөгінни.

Оппоқ қорнинг оқ түшагида,
Изи қолмиш қүшлар оёғин,
Оппоқ қорнинг оқ құшиғида
Дилга түшар нурли бүёғин.

Күқдан тушар оқ капалак қор,
Унда одам ризқу рүзи бор.
Оқлик - поклик дилга устувор,
Сқлик - поклик, бизга бўлсин ёр...

ҮША МЕН!

Осмон йиғлаб тўкса ёшини,
Мажнунтол жим эгса бошини,
Сувга ёйиб, ювса сочини,
Билгил, қизим, менман ўша, мен!

Сочинг силаб ўтса шаббода,
Гул юзларинг ювса шабнамда,
Қүшлар сайраб қолса чошгоҳда,
Билгил, қизим, менман ўша, мен!

Оқ капалак уйингга келса,
Келиб агар елканнга қўнса,

Сўзсиз бокиб, ҳолингни сўрса,
Билгил, қизим, менман ўша, мен!

Илк баҳорда келса қалдирғоч,
Хушнуд кутиб, күчоғингни оч,
Қўшиғидан олсанг сен, юпанч,
Билгил, қизим, менман ўша, мен!

Ой тўлганда қара осмонга,
Ундан боқар сенга бир сиймо,
Кўзларингта боқса у ҳумо,
Билгил, қизим, менман ўша, мен.

ЎКИНЧ

Тўрғай, мендай бўзлама, тўрғай!
Тўрғай, мендай сўзлама, тўрғай.
Сен хур қушсан, қанотларинг бор,
Мен бир тушман, қаноти абгор...

Тўрғай, мендай излама, тўрғай!
Тўрғай, мендай бўзлама, тўрғай.
Сен озод қуш, учгил юксакда,
Мен бандиман - юраги хаста...

ДЕНГ

Оҳлар чиқса юрақдан, ишқда куйган дилпора, денг,
Ёшлар оқса кўзлардан, ғамга қолган бечора, денг,
Оёқларим юролмаса, гулзор аро боролмаса,
Жисму тани дардга ботган бечора, денг, бедаво, денг.
Гулзорда гулни суйиб, ўзни булбулга йўйиб,
Булбулдай наво этмай, кетган ул бенаво, денг.
Гуласал ўйнамай-кулмай ўтди, деманг, бу оламдан,
Дилда борин шеърга солиб, кўнгли кулган нурхона, денг.

ТИЛАГИМ

Баҳор гулларини севаман жуда,
Қушларнинг хониши мен учун мужда,
Найнинг навосига бу қалб ошифта,
Борки гўзалликка фидо бу жоним!

Навоий назмига бўлганман ошиқ,
Нодира сиймоси қалбимда қўшиқ,
Кумушни яратиб Қодирий-даҳо,
Ўзбек ойимларга қурди зар кўшк.

Ўзбегим атласи олам кезади,
Атлас - қизларимиз кўрки, безаги,
Қирқ кокил ўрса қора зулфларин,
Ироқи дўппи безар азиз бошларин...

Келинчак уйимиз кўрки бўлсалар,
Таъзим-ла, эгилиб салом қилсалар,
Тушган остонасин азиз билсалар,
Садқа бўлсин шунга минг битта жоним!

Чақалоқ йиғласа олтин бешикда,
Аллалар янграса ҳар бир эшикда,
Фақат баҳт куйланса барча қўшиқда,
Шулдир бу оламда орзу-тилагим!

Фарзанд иқболидан қулса оналар,
Ватанда яйраса шўх-шод болалар,
Ҳеч уйдан чиқмаса ҳазин нолалар,
Дунёда ягона шулдир тилагим!

* * *

Күришмасмиз энди сиз билан,
Бу күнгилдан кечмоқлик керак,
Мен кечганман ғариб умиддан,
Гўзал боғни бузмоқлик керак.

Ўзгаларга тутингиз, майли,
Баҳорнинг оқ чечакларини.
Мен-чи, маъюс қолайин, доғли -
Қалбга босиб армонларимни.

Сиз бу ғамли севгидан кетиб,
Бахтли яшанг сўнг дамгача то
Сизни сақлай севгимдан кечиб,
Шу дард билан бўлай мен адо.

Мунча азоб бу ишқ савдоси?
Айни баҳор, дипда ҳазонлар...
Мен ўлимдан кўрқмасман, асли
Ўлгандирман аллақачонлар....

ДЎСТ СОФИНЧИ

Сиз йўқсиз, кўп ғовлар сиздан айирди,
Орзулар умримга этмади карам.
Ўтган ҳаётимиз паймоллаб кетди,
Энди шод яшангиз, ўзгалар билан.

Кўзларим, ўйларим сизни соғинар,
Дўстим, меҳрингиз қалбимда мангур.
Танбурда мунгли куй йиглаб, оҳ урар,
Бу йиллар орти-соғинчимдир ул!

Йиллар ортда қолди, ўтди кўп фурсат,
Оқиб кетди сойда қанча кўп сувлар...

Фалак айро солди, йўллар аросат,
Соғинчдан қор ёғар - кўзларда ёшлар...

Бу кун сочимизга оралабди оқ,
Дўстим, улғайтирди ҳаёт ғуссаси.
Соғинч-айрилиқда, бунчалар узоқ?
Йиғлайман, сабримнинг тўлса косаси...

Ўтган умрим ғамли, азобли ҳайҳот!
Ҳижронлар –кўз ёшдай оқар саҳарлар...
Сизсиз яшаб ўтдим умримни наҳот?!
Ўртанар зор юрак дардли маҳаллар...

КУЗДА

Гўзал табиатга сепини ёйиб,
Яна қайтиб келди юртга олтин куз!
Сап-сариқ ҳусайнни ишкомлар тўла,
Жилмайиб боқади, гўё мени уз!

Ўз бағрига чорлар оппоқ паҳтазор!
Оқ гулдай чаноқдан кулиб боқади.
Қизларжон соchlари кутган интизор,
Гулдайин, авайлаб олиб тақади.

Ёз бўйи кўпирган ўйноқ сойларнинг
Қирғоқлардан тошган сувлари сокин.
Тунда боқсанг сувга, кўринар ойнинг,
Мени тутиб ол деб, майин кулиши...

Бугун дарахтларда ўзгача викор,
Япроқлари ранг олмиш сарғиш.
Майли, япроқлари тўқилксин такрор,
Фақат қулатмасин новдаларин қиш.

СЕН ТУШУН, ЖАЙРОН!

Қояға тирмашган қора күз жайрон,
Сенга айтайн мен юрак дардимни...
Сүзларимдан сен-да бўлмагин ҳайрон,
Сенга тўкиб солай кўнгил зардимни!

Оҳ, сен гўзал, тоғлик малак жайрона,
Тоғлар кўтаролмас менинг дардимни.
Дунё ишларидан дилим ҳайрона?...
Фалак ёзмишлари қийнар танимни?

Жайронгинам, менга кулоғингни сол,
Кўзларингга боқай, дардларимни ол,
Ҳеч кимга айтмаган армонларимни,
Сенга айтай, сирдошимдай бўлиб қол!

Сўзларим самода юлдуз тинглади,
Сувларда сузишиб кундуз тинглади,
Дардларим кеча-ю, кундуз англади,
Фақат эшитмади, оҳим одамлар!

Жайронам, эй эркин, шўхчан қушгинам,
Кетар бўлсанг майли, хайр хушгинам.
Сенга аён балки менинг тушгинам,
Сен тушун, тушунмас дардим одамлар!...

Кўнглим учун битаман шеърни
Майли, ўзга ўқимай, йиртсин,
Ўзим учун ёзаман шеърни.
Майли, еллар итқитиб отсин,
Кўнглим учун битаман шеърни!...

ҮКИНЧ

Үттизимда ўтин бўлдим,
Қазо етмай, гулдек сўлдим.
Айни баҳор гул ёшимда,
Хазон мисли паймол бўлдим.

Гуллар экиб боғларимга,
Даста-даста теролмадим.
Жондан азиз дўст-ёримга,
Гул саралаб беролмадим.

Осмондаги ойга боқиб,
Тун-кечалар сурдим хаёл.
Юлдузларга дардим айтиб,
Ёришар дил, кўнгил хиёл...

Мен суйганим-бехишт гули,
Райхонгинам, бағримга кел.
Армон бўлган ишқнинг тули
Кўз ёшлари юракда сеп...

Армонларим чеки йўқдир,
Азоблардан куяр бағир.
Оҳ, қалдирғоч - кўзи ўткир,
Сен-эй, менга ҳамдард бўлгил.

Кел, қалдирғоч, муштоқдирман,
Ҳар баҳорда йўлларингга...
Менга қўшиқ - юпанч айтгил,
Умид кирсин дилларимга!

ШЕЪРИМ

Онам алласи-ла бўлган шукуҳим,
Ватан ардоғида айтар шукурим,
Кўнгил осмонида яшар фуурим,
Дилроз ўзинг, парвоз ўзингсан, шеърим.

Кўшиқ бўлиб янгроқ тилларда янгра,
Кўйчи бўлиб сайроқ дилларда янгра,
Булбул каби чаман боғларда сайра,
Созим, бор овозим ўзингсан, шеърим.

Навоийдан Мерос бўлган ғазалим,
Момоларим айтган байту масалим,
Туркийча забоним, айтар амалим,
Халқимга айтарим - сўзимсан, шеърим.

ОҚҚУШЛАРГА

Сизлар қайдан келгансиз,
Мунча гўзал экансиз?
Ё хур қизми ўзингиз?
Ё парими юзингиз?!

Оҳ, дилим сизга оқар,
Кўзлар шод сизга боқар,
Сизни тутиб қўлимга,
Олиб кетсам уйимга!

Эҳ, оққушлар, оққушлар,
Менинг қалбим яродир!
Менга сўз айтингизлар,
Қалбга нима даводир?
Менга дугона бўлинг,
Ҳамдард дилдона бўлинг,
Менга ҳам қанот беринг,
Учай фазода хушбахт,
Дардларим бўлсин, унут!

Мана бугун ёшимиз қирқда!
Фарзандлар ҳам улғайиб қолди.
Бугун бўлар камолот кўркда,
Қушдай қувноқ ўрнимиз олди.

Илк баҳорда келса қалдирғоч,
Уй эшигин очиб қўярдик.
Қалдирғочлар бола очганда,
Буни гўзал баҳтга йўярдик.

Сой бўйига чиқса чучмома,
Узиб олиб, ким ўзар - шоша,
Энам қошпарига чопардик,
Кўзга суртинг, равshan бўлар деб,
Опа-сингил бирдай сайрардик.

Ўтиб борар йиллар карвони,
Ўтиб борар йиллар армони...
Топиб бўлмас болалигимиз!
Етиб бўлмас шодонлигимиз!

Суриб кетди бедард шамоллар,
Олиб кетди яхши -ёмонлар!
Боладай беғубор қалб ҳам қолмади,
Болалик бошлаган йўллар толмасин!

Қирқ йилнинг залвори бугун елкада!
Қолиб кетди энди қувноқ болалик.
Худди тушда кечган хотирот бўлиб,
Ҳатто етиб бўлмас олис ўлкадай...

Хотирот уйғонар, баҳор уйғонар,
Чечаклар уйғонар, гуллар уйғонар,
Болаликни қўмсаб диллар уйғонар,
Қайтариб бўлмайди, уйғонмас йиллар!

Бошга ҳам тушибди қорларнинг изи,
Баҳорини бошлаб келган болалик,
Ёз тафтини олиб келгандай ёшлик,
Олиб келар экан куз, қишини ҳам!

Бугун тилак ўзга, ўзгача туйғу!
Ғам юки босмасин юрагимизни,
Оналар қалбида яшар бир орзу,
Фарзанддан буюрсинг тилагимизни!

Бир тикон зарбига чидолмас, юрак,
Бу замоннинг не-не тиконлари бор.
Оллоҳим, ўзингдан сўрай бир тилак,
Ўзни гул деб юрган тиконларни ол!

Парвона шам узра чарх уриб-уриб,
Ўзини шоҳ дебон санаркан бир кун.
Сўнг, бир кунлик умри тугаса қуриб,
Ўзини ёруққа отаркан беун!

СИРЛИ ТАБИАТ

Кумуш қиш заминга тўшар поёндоз,
Оқ дурдан дарахтга тақади маржон.
Оппоқ қор тунларга бергандай пардоз,
Сокинлик ҳис этар кўнглида ҳар жон!

Оқ қор оппоқ орзу бағишилагандай
Куйилиб келади гўзал бир қўшиқ.
Нурли кунга мени бошлаганидай
Тобора оқариб боради бўшлиқ...

Ён атрофга майда оқ қофоз каби,
Тинимсиз сочилар ажиб оппоқ қор.
Она табиатнинг муnis чойшаби,
Чорлаб нигоҳ, кўнглим қамрар фусункор.

Шундай фусункорки, лек шу фурсатда,
Ногоҳ күкда нурли чараплаб қүёш,
Үзин нега қодирлигин күрсатар -
Дараҳтлар негадир түка бошлар ёш?...

Бўлди кунлар балки беқарор ёрдек?
Минг бора ўзгариш, минг бор турланиш...
Кўк боқади бугун балки ағёрдек?,
Эрта олам аро ажиб нурланиш!

БАЪЗИ АЁЛЛАРГА

Оҳким, сизни оқил, доно, дер эдим,
Олам ичра гули раъно, дер эдим.
Номус мулкин асрагувчи аёлсиз!
Зар-девордан кўнгли аъло, дер эдим,
Қай кўчада сарсонасиз, аёллар,
Қачон ўзни қизғонасиз, аёллар!

Кўпнинг эмас, бирнинг ёри бўлган соз,
Ҳар кўчада юргандан-ку ўлган оз,
Оналикнинг баҳтин тууб кўрсангиз!
Қишлиарингиз бўлур эди ҳатто ёз,
Ўзга злдан баҳт излаган аёллар,
Фахш ичра таҳт излаган аёллар...

Тўмарису Нодирани ёд айланг,
Ўтган аждод руҳларини шод айланг,
Қаноатли пок ўзбекнинг қизисиз!
Афюн сотиб кун кўрмоқни ор айланг.
Ўзбекона мағрур бўлинг, аёллар,
Пойингиздан гуллар терсин шамоллар.

Қайки инсон ўз урфидан айродир,
Халқнинг сўзи-қисматлари қародир,
Олтин зарлар борлигини қучса ҳам-
Охир бошда қисмат тоши балодир!...

Фикри забун, тор бўлмангиз, аёллар,
Ҳар кўчада хор бўлмангиз, аёллар!

АЁЛ ТОНГ-ЛА...

Аёл тонг-ла сигир соғади,
Тилда куйлаб ҳиргойи, қўшиқ.
Аёл тонг-ла супурар ҳовли,
Дилдан куйлаб, хурлигин қўшиб!

Аёл тонг-ла жойнамозида
Калом ўқир шукронга айтиб,
Юртга сўраб тинчу омонлик,
Тангрига ҳамд, санолар айтиб.

Аёл тонг-ла ёпар иссиқ нон,
Хушбўй ҳиди оламни тутиб.
Кенжасига атайди ширмон,
Юзларига седона сепиб.

Ўрайди бошига чамбар сочини,
Оппоқ тонгни оқликка ўраб.
Тонгнинг иши бўлур күшойиш,
Пахта хирмонига барака сўраб!

Аёл тонг-ла бошлайди юмуш,
Дилдан куйлаб дилрабо қўшиқ.
Унинг қалби билмайди нолиш,
Тилдан қуйлар хушнаво қўшиқ...

ЛАПАР

Олмани оққанда кўринг,
Беҳини қоқканда кўринг,
Ўзбегим гўзал қизларин
Қошларин қоқканда кўринг.

Кизни сиз лола деманг,
Чинни пиёла деманг,
Мехрига лол бўласиз,
Кўнгли шалола деманг.

Боғ кўча-боғ кўчалар,
Изидан юрманг кечалар,
Ориятли ўзбек қизин
Нархини тўкманг бунчалар.

Бозор боринг, бозор боринг,
Ёрга ўсма, сурма олинг,
Қош-кўзига сиз термулиб,
Кетолмайин шунда қолинг.

Бу бош қаттиқ бўлди, оқизмади сувлар-а,
Юрагим бардош бўлди, очолмади қувлар-а.

Кима дардим айтайн, ағёргами, дўстлар-а,
Дунё экан ёлғончи, кўнглим олди хаслар-а.

О, бўзтўрғай, бўзтўрғай, бўзламасанг на бўлғай?
Осмон узақ, ер қаттиқ, киролмасам на қилай?..

СУВЛАРГА ДАРДИМ АЙТДИМ

Эй, жўшқин сув, ариқдаги оқин сув,
Куз шамоли юзларингни силарму?
Сенда йўқму баҳордаги шўх кулгу,
Бугун хазонларга юзинг тўларму?..

Мавжланардинг баҳорий тўлқинларда,
Қани ўшал тўлқинларинг, тиндиму?
Еки ўксисб қолдингму бўронларда,
Орзунг мендай қиш келмайин сўндиму?!

Мен сен ила бирга-бирга оқсайдим,
Сенинг ила гулзорларга борсайдим.
Сочларимни сувларингда ёйсайдим...
Бошим уриб, тошларинг-да ёрсайдим...

Дунё шундай бевафоки - билмайсан,
Гоҳ ўкириб, гоҳи шодон қулгайсан,
Тақдир хатин асло ўқий олмайсан,
Равон оқмас умр сувдай, билмайсан!?

Минг азоб солгайдир бу жисмим аро,
Юрак ичиндаги наштарли яро,
Дунёда ҳеч бирон қолмади чора,
Ер бағрига олиб, тинчлансан зора?
Юракда ёш ила тўкилди кўнгил...

Бошима тарапди қўп совуқ уммон,
Оҳ кимки, бир куни бўлгуси тўфон!
Гулдай вужуд ичра қийналур бу жон,
Замин қаттиқ бўлса, узоқда осмон,
Кўзимда ёш ила тўкилди кўнгил.

Йиглай-йиглай, кўзларда ёш қолдиму?
Ёш тўкмаган бирор дилдош қолдиму?
Дардимдан онамда бир дош қолдиму?
Менга ҳамроз бўлиб қалам қолдиму?
Юракдан шеър ила тўкилди кўнгил!

Мен муслими гирёнаман, не менга зебу-зийнат?
Минг олтину минг кумушдан, бир дона китоб қиймат!

Данғиллама рему-равон, не керак менга орзу?
Ташна қалбимни бойитур китобдаги ҳар мавзу...

Дарди-зулумотга ботган девонаи мен мискин,
Гар ўқисам Навоийни, кўнгилга берур таскин.

Зулфияхонимга ҳавас-ла, олдим қўлимга қалам,
Шеърларини ўқисам, чиқиб кетур минг алам.

Севганим шоирларимдир менинг бори жаҳоним,
Шеърларин ўқиб ўтадир менинг ҳар битта оним.

Агар халқим кўнглин топиб, бита олсайдим сатр
Армоним йўқ, гарчи кетсан, домига олса қабр.

Гуласал кўнгли бу дам сайри гулзор истар ахир!
Шеърлар чамани-ла овутгай кўнглини охир...

ХАБАР ОЛИНГ...

Хабар олинг дарди-дундин, мен бўлдим вайроналар,
Қалбим гули сўлди ғамдин, сизга зор остоналар,
Ҳайҳот нетай, не қилай, музга ўхшар таналар,
Хушларим учди бошдин, дўстларим девонаман,
Бергил шифо, эй, Оллоҳим, бўлмайин афсона ман.

Тилда оҳу дилда ўқинч, куйиб дарду аламдин,
Сароб бўлди гўзал орзу, қуриб қолдим бу ғамдин,
Юрак ўртар чиқмоқ бўлиб, бу бедаво танамдин,
Бир мўъжиза келурми деб гўёким парвонаман,
Туним қаро, куним қаро, дардим ўртаб ёнаман.

Чилвир-чилвир қора сочим, бошима дорлар қилай,
Сарвдайин қадди-бастим, ҳур мажнунтоллар қилай,
Жисмим эрур бугун муздай, осмон отиб қорлар қилай.
Оҳ, нетайки ўтди ёшлиқ, энди қаёнга бораман.
Армонлардан, азоблардан бошим тошлар-а ёраман.

Сатрим менинг бағримдаги ноламдир,
Гулханланиб оташ ёнган танамдир.
Гуласал, кўп йиғлаб бағринг эзмагил,
Юрак дардинг англар танҳо қаламдир!...

ОРЗУЛАРИМ ТҮЗГАЙДИР

Сирли юрак, уммонларим түзгайдир,
Уммон ичра туғёнларим түзгайдир,
Ушалмаган орзуларим түзгайдир,
Орзулаган имконларим түзгайдир,
Еэмоқ бұлсам, ашъорларим түзгайдир.

Тор хонада зор йиғлайди хаёлот,
Чунки уни тақыб этар бир ҳолат,
Йүл юрага тополмайин шижаат,
Бутун жисмим қамраб олган жароҳат,
Орзулаган дунёларим түзгайдир.

Қалбим ила доим ҳамроҳ яшадим,
Умид ила дилда сабрим яшадим,
Пок рухимга бериб, ингрек яшадим,
То умримда ғарип бўзлаб яшадим...
Орзулаган умидларим түзгайдир.

Гуласални ҳайрон этди бу дунё?
Умидларин вайрон этди бу дунё!
Оллоҳ берган дардга топмай ҳеч даво,
Орзуларин паймол этди бу дунё,
Бу оламда мақсадларим түзгайдир.

УМРИМ САФАРИ

Узоқ эмас асли умрим сафари,
Ўйлайман-ўйлайман, хаёл сарсари...
Ҳаётда мазмун йўқ, қолганми қотиб?
Қандоқ яшай ахир шеърим йўқотиб!

Алдоқчи дунёда-алданиб қолдим,
Армон, азоблардан юрагим толди.

Айни баҳоримда муз мисол қотдим,
Қалбим күйиб, ўзин қор ичра отди!

Севдим гүзал гулу чаманзорларни,
Эвоҳ, ҳаёт мени тиканга отди.
Мехрим бердим күм-күк дала, қирларга,
Умид-орзуларим, ботқоқта ботди.

Сафарсиз, самарсиз... яшамоқдаман!
Ҳатто япроқларга бўйим етмайди.
Нечун аёл яратдинг, пушаймондаман?
Ҳаёт жумбоғига ўйим етмайди...

ЭЙ, ДЎСТ...

Эй, дўст!
Мени танҳо ташлаб кетмагил,
Дилу дунёларим оғриқда бугун.
Ошифта юрагим ғашлаб кетмагил,
Софингдим мен ширин сўзларинг,
Дилгинам ороми кўзларинг...

Эй, дўст!
Умримиз кетади ўтиб - ўткинчи,
Тинглагил, қалбу дилим ўтинчин,
Сўзлагил беғубор кунлардан...
Тўлин ой, чароғон тунлардан!...

Эй, дўст!
Тонгимиз ўтмоқда, шомимиз яқин,
Ўтган умримизни этайлик талқин.
Ўтмоқда умримиз, ўтгандай оқин,
Не қолур бизлардан, нурми, риёми?
Ажратиб олайлик қора-ю оқин!...

БОЛАЛИК ИЗЛАРИН ИЗЛАБ

Субҳидамда чиқдим сойнинг бўйларига,
Хушбўй ялпиз таратарди бўйларини.
Нафис ялпиз баргин босиб лабларимга,
Болаликка бошлаб кетдим ўйларимни!...

Шу сой эди шодликларим гувоҳлари,
Қадрдондир ҳатто майса гиёҳлари.
Сузишардик, ким ўзарга қийқиришиб,
Унда йўқди пок жисмимиз гуноҳлари!...

Қадрдоним, болаликнинг шўх кунларин
Изи борми жўшқин сойнинг сувларида?
Топмоқ бўлиб, тонгдан токи тушга қадар,
Танҳо кездим дарахтзор, сой бўйларидан...

Ёдимга сол, ул болалик паллаларим,
Бокира қалб ҳисларини мен туяйин!
Айтиб бергил, ўша кувноқ яллаларим,
Дилим кувнаб, шодликларга мен тўяйин...

Шодлик эди бизнинг танҳо билганимиз,
Сийпаларди майин еллар ўйларимиз,
Дунё ғамин билмас диллар яйрашарди,
Күшлардан-да кувноқ эди куйларимиз!...

КҮНГЛИМ МЕНИНГ ВАЙРОНА, ЁР

Богим чети айлана, ёр, айлана, ёр,
Күнглим менинг вайрона, ёр, вайрона, ёр,
Девор оша қарайман-эй пинҳона ёр,
Дилим бўлур гирёна, ёр, гирёна, ёр,

Сулув кўзлар сузукмиди, мастона, ёр,
Муҳаббатим билмангиз-эй остона, ёр,
Бизнинг севги элда бўлсин достона, ёр,
Демасинлар, дўстлар мани, девона ёр,

Сумбул сочим кўксимда-ей тўлғона, ёр,
Ўн тўрт кунлик ойдай юзим тўлгана, ёр,
Тунлар бўлай бошинг узра парвона, ёр,
Шод ўйнайлик, тўлмай туриб паймона, ёр...

Эй, ботирим, бўлинг менга султона, ёр,
Дунё манга ҳеч бўлмасин ғамхона, ёр,
Кўшиқ битай исмингизга дўстона, ёр,
Тўлиб-тошиб куйлашайлик шарқона, ёр...

БАХОРДА

Майин шаббодада тебранади гул
Гулнинг ифори хуш, тараалар ҳар ён.
Гулга қўниб, шодон сайрайди булбул,
Айни баҳор гулга тўлганда ҳар он.

Бодом шохларига тақиб оқ маржон,
Гулларида бода тутиб турибди.
Боларилар гужфон ўйнаб ҳавода,
Гулни ўпмоқ бўлиб учиб юрибди.

Ўрикларнинг гули тўкилиб тушар,
Уни майин тупроқ кутиб олади.
Дарахтлар ерга гул поёндоз тўшаб,
Муҳаббатли дилга гулу солади.

Олчанинг гуллари бунчалар гўзал,
Авайлаб лабимга босгим келади!
Гуллар шодасида гўё шўх ғазал,
Сатрим ўқиб ол, деб майин кулади...

Адабий нашр
Гуласал Ҳусанова.
“ДИЛ СОФИНЧЛАРИ” Шеърлар.
«Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ, 2005

Муҳаррир: Э. Сиддиқова
Техник муҳаррир: М. Мирзакаримова
Мусаххих: Н. Тожиматова
Компьютер
оператори: Ҳ. Парниев

2005 йил 2 марта босмахонага топширилди. 2005 йил 16 марта босишига рухсат этилди. Бичими: 84x108 $\frac{1}{32}$. Офсет босма. 1,25 шартли б.т.. Адади 1000 нусха. Буюртма № 520. Баҳоси шартнома асосида.

«ANDIJON NASHRIYOT-MATBAA» ОАЖ
босмахонасида босилди.
710000, Андижон шаҳри, Навоий шоҳкӯчаси, 71.